O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 23 январь, №16 (3290) Жума

# ЭЛ-ЮРТ ОМОНЛИГИ — ОЛИЙ САОДАТ

***Ички ишлар вазирлиги тизимида юрт осойишталиги ва аҳоли тинчлигини сақлашни янада мустаҳкамлаш борасида ўтказилаётган ислоҳотларда профилактика хизматига катта эътибор қаратилмоқда.***

Айни пайтда жойларда қарийб уч минг тўрт юзта милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Профилактика инспекторлари ички ишлар идораларининг бошқа тармоқлари хизматлари, маҳалла оқсоқоллари, посбонлар, тарбиячи-педагог, яраштирув ва келиштирув ҳамда хотин-қизлар комиссиялари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Профилактика инспекторининг вазифаси шарафли, айни пайтда ўта масъулиятлидир. Унинг билим ва тажрибаси, касб одоби, муомала маданияти, жанговар тайёргарлиги катта аҳамиятга эга. Бу борада Юртбошимизнинг ички ишлар идораларининг энг қуйи бўғини саналган милиция таянч пунктларида ҳар томонлама етук, халқ билан ишлашга билими, тажрибаси, ақл-идроки етадиган жонкуяр инспекторлар бўлишига алоҳида эътибор қаратишга оид кўрсатмаларига қатъий амал қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танлови бу борадаги илғор тажрибани тарғиб қилишда, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида кўрик-танловнинг 2003 йил якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев йиғилишни очар экан, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат ташкилотлар, хусусан, маҳалланинг аҳамияти катта эканини таъкидлади. Ўтган йилнинг мамлакатимизда Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши фуқаролар манфаатларини ҳар томонлама муҳофазалашни янада кучайтириш, ёш авлодни Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бундай хайрли ишларда профилактика инспекторларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани 1-маҳалла фуқаролар йиғини 76-милиция таянч пункти (профилактика катта инспектори, милиция майори А.Боранбоев), Тошкент вилояти Бўка тумани "Жағалбой" маҳалласидаги 94-милиция таянч пункти (профилактика катта инспектори, милиция капитани Д.Укибоев), Фарғона шаҳридаги 7-Ибрат маҳалла фуқаролар йиғини 14-милиция таянч пункти (профилактика катта инспектори, милиция майори М.Тоштемиров), Хоразм вилояти Гурлан тумани "Гулистон" маҳалласи 127-милиция таянч пункти (профилактика инспектори, милиция лейтенанти Ё.Бобожонов), Қашқадарё вилояти Қарши тумани "Чўлбўстон" қишлоқ фуқаролар йиғини 32-милиция таянч пункти (профилактика инспектори, милиция лейтенанти Ў.Хайдаров) биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Ғолиблар "Матиз" автомашинаси билан тақдирланди.

Тадбирда "Энг фаол профилактика инспектори", "Энг фаол маҳалла оқсоқоли", "Энг фаол маҳалла посбони", "Энг фаол педагог-тарбиячи", "Энг фаол вояга етмаганлар билан ишлаш профилактика инспектори", "Энг фаол маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



# Ҳамиша ҳушёр

Юртнинг тинчлиги, турмушнинг осойишталиги ҳар бир инсон учун энг олий неъматдир. Лекин ҳаммамиз ҳам ана шу осойишталик, бехавотир яшаш учун кимлардир туну кун уйғоқ ва жонсарак эканлигини доимо ҳам ҳис этавермаймиз. Зеро, ҳар биримиз бу ишдан четда турмаслигимиз, огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз зарур. Тошкент шаҳар Йўл-патруль хизмати бригадаси ҳам пойтахтдаги осойишталик, айниқса, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда самарали фаолият юритмоқда. Бригаданинг 1-отряд мобил гуруҳи инспектори Равшан Абдураимов (суратда) бу ишда жамоадошларига ўрнак бўлмоқда.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ЯНГИ СТАНЦИЯ ИШГА ТУШДИ

***ҚАРШИ (ЎзА мухбири А.МУҲАММАДИЕВ).***

Вилоят марказида янги шаҳарлараро телефон станцияси ишга тушди. Ҳар жиҳатдан эскирган алоқа қурилмалари ўз ўрнини Хитойнинг "Хуавей" компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий электрон ускуналарга бўшатиб берди.

2 минг 280 шаҳарлараро ва халқаро алоқа линиясига эга янги станция мижозларга қисқа вақт ичида исталган шаҳар билан боғланиш имконини беради. Мижозларга ўттиз турда қўшимча хизмат кўрсатади. Жумладан, интернетга уланиш имконияти ҳам мавжуд.

Станциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов, Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

# Ҳиндистонлик ишбилармонлар ташрифи

Тошкентда Ҳиндистон экспорт ташкилотлари федерацияси вакилларининг ташрифига доир сотувчи-харидор учрашуви ўз ниҳоясига етди. Учрашувда Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва Ҳиндистон экспорт ташкилотлари федерацияси томонидан икки мамлакат ўртасида савдо ва инвестицияларни кенгайтиришни кўзда тутувчи англашув меморандуми имзоланди.

Маълумки, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик ва фармацевтикада катта имкониятларга эга.

Учрашув давомида ҳамкорлар жорий йилнинг апрелида Тошкентда Ҳиндистон савдо ярмаркасини ўтказишга келишиб олдилар.

**М. ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Азал-азалдан юртимизда ижод аҳли ардоқда. Яқинда Навоий вилояти марказига туташ жойдан 20 гектар ер ажратилиб, ижодкорлар боғи бунёд этишга киришилди.

# Ижодкорлар боғи

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Камолиддин Юсуповнинг айтишича, тез орада 20 нафар ижодкор ўз дала-ҳовлиларига эга бўлишади. Айни пайтда бош режа асосида мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилиб, сув йўллари чиқарилмоқда.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида агросаноат соҳаси раҳбарларининг навбатдаги машғулотида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси С.Раҳимов эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мавзуида маъруза қилди.

Юртимизда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2003 йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. Унда суғориладиган экин майдонлари чекланганлиги шароитида мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Семинарда ташқи ишлар вазири С.Сафоевнинг мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий йўналишларига бағишланган маърузаси ҳам тингланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков иштирок этди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Ёш таэквондочиларимиз ютуғи

*Ёшларимизнинг халқаро майдонларда қўлга киритаётган юксак натижалари бугунги кунда жаҳон спорт жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Бу эса, албатта, мамлакатимизда ёш авлод саломатлигига, болалар спортига берилаётган эътиборнинг самарасидир.*

Яқинда Россия таълим департаменти ва таэквондо федерацияси Москва шаҳрида ўсмирлар ўртасида таэквондо бўйича халқаро турнир ўтказди. 10 дан ортиқ давлатдан 700 га яқин спортчи иштирок этган мусобақада ҳамюртларимиз 9 та олтин, 6 та кумуш ва 5 та бронза медалига сазовор бўлишди.

— Россия пойтахтидаги беллашувларда татамига чиққан шогирдларимизнинг аксарияти бундай халқаро турнирда илк бор иштирок этиши, — дейди Ўзбекистон таэквондо федерацияси президенти Пўлат Усмонов. — Шунга қарамай, улар ишончни тўла оқлашди. Ютуқларимизнинг замирида ички чемпионатимиздаги рақобатнинг кучлилиги ётади.

Москвадаги "Спартак" спорт мажмуида бўлиб ўтган мусобақаларда эндигина 10 ёшни қаршилаётган Улуғбек Жалиловнинг маҳорати томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Терма жамоамизга дастлабки олтин медални олиб берган ёш таэквондочимиз яккалик беллашувларида барча рақибларидан устун келди. Ирода Исмоилова эса хорижлик тенгқурлари орасида ҳам яккалик (массаги), ҳам комплекс машқлар (тиле)ни бажаришда ажойиб маҳорат соҳибаси эканлигини кўрсатиб, иккита олтин медални қўлга киритди. Яна бир спортчимиз — Алексей Забугин уч йўналиш — яккалик, комплекс машқларни бажариш ҳамда қаттиқ предметларни синдириш бўйича турнир ғолибига айланди.

— Мусобақалар давомида федерация раҳбарлари бир-бирлари билан ютуқлари ва муаммолари ҳақида ҳам фикр алмашишди, — дейди Пўлат ака. — Хорижликлар яқиндагина босмадан чиққан "Ўзбекистон, таэквондо, ғалаба" китобимизни кўришиб, уни рус тилида ҳам чоп этиш кераклигини айтишди.

Дунё таснифида учинчи ўринда турган таэквондочиларимиз мусобақаларга энди киришишди. Олдинда эса муҳим баҳслар кутиб турибди: июнь ойида Малайзияда ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати, кузга бориб катталар ўртасида дунё биринчилиги (Сеул) ва Камбоджада бўлиб ўтадиган қитъа чемпионати. Уларнинг бундай нуфузли мусобақаларда ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишларига ишониб қоламиз.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикаси*
*Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш.Мирзиёев) ўз қарорларини «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси** **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 11 декабрь.

8

Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

## ХУСУСИЙ КОРХОНА ТЎҒРИСИДА

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари**
**2004 йил**

Қирқиш чизиғи

Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**12-модда. Хусусий корхонанинг устав фонди**

Хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди.

Пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳуқуқлар хусусий корхонанинг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин. Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди.

Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

**13-модда. Хусусий корхонанинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш**

Хусусий корхонанинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш мулкдорнинг қарорига кўра хусусий корхонанинг уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

Агар иккинчи молия йилининг ва шундан кейинги ҳар бир молия йилининг якунида хусусий корхона соф активларининг қиймати унинг устав фондидан кам эканлиги маълум бўлиб қолса, хусусий корхона ўз устав фондини ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдорда камайтириши шарт.

Хусусий корхона соф активларининг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

### III. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ

**14-модда. Хусусий корхонани якка бошқариш**

Хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкини тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан, меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобварақлар очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

**15-модда. Хусусий корхона мулкдорининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Хусусий корхона мулкдори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хусусий корхона уставига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

хусусий корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий

4

Буклаш чизиғи

тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдасидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш;

хусусий корхонага тегишли мол-мулкни бошқа шахсга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа юридик шахсларнинг устав фондига ҳисса сифатида киритиш ёки ушбу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этиш.

Хусусий корхона мулкдори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Хусусий корхона мулкдори:

устав фондини шакллантириши;

ўзига қарашли корхонани якка бошқариши шарт.

Хусусий корхона мулкдори зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**16-модда. Хусусий корхонани вақтинча бошқариш**

Хусусий корхона мулкдори ўзи вақтинчалик бўлмаган тақдирда шу муддатда раҳбарлик вазифасини бажариб туришни бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади. Хусусий корхона мулкдори мувaққат раҳбарнинг хусусий корхона мол-мулкини тасарруф этишга оид ҳуқуқини чеклаб қўйиши мумкин.

**17-модда. Мулкдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажара олмаслиги**

Вафот этганлиги, муомалага лаёқатсизлиги, муомала лаёқати чекланганлиги ёки бедарак йўқолган деб топилганлиги оқибатида мулкдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда хусусий корхонани бошқариш фуқаролик қонун ҳужжатларига ва хусусий корхонанинг уставига мувофиқ амалга оширилади.

### IV. ХУСУСИЙ КОРХОНАДА МЕҲНАТГА ОИД МУНОСАБАТЛАР

**18-модда. Хусусий корхонанинг иш берувчиси ва ходими ўртасидаги ўзаро муносабатлар**

Хусусий корхона (иш берувчи) ва хусусий корхонанинг ходими ўртасидаги ўзаро муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси (контракт) билан тартибга солинади.

**19-модда. Хусусий корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш**

Хусусий корхона ўз ходимларига меҳнат ҳақи, мукофотлар ва компенсациялар тўлашнинг шакллари, тизими ҳамда миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил белгилайди.

Хусусий корхонада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш

5

*Миллий дастур ниҳоллари*

**2003-2004 ўқув йилида Президент стипендиантлари сафида Тошкент Давлат юридик институтининг 3-босқич талабаси Аброр Анорбоев ҳам бор. Шу муносабат билан мухбиримиз талабани суҳбатга чорлади.**

# Ёшлик — бебаҳо давр

**— Аброр, олий стипендияга эришаман деб ният қилганмидингиз?**

— Саволингиз бир фильмни ёдимга туширди. Ўсмирдан дўсти "Сен нимани ният қиласан?" — деб сўраганида, "Сеникидек ажойиб пўстиним бўлишини", — деб жавоб беради. Шунда оғайниси шартта пўстинини ечиб беради-да, "Бундан кейин катта ниятлар қилишни ўрган", — дейди. Шунга ўхшаб, ҳар кимнинг хатти-ҳаракати нимани ният қилишига боғлиқ экан. Аниқ эсимда, институтнинг энг фаол талабаси бўлиш ниятини мен 2002 йил 27 январь куни кўнглимга туккан эдим. Ўшанда илк бор умумхалқ референдумида ўз хоҳиш-иродамни билдириш имкониятига эга бўлганман. Шу куннинг моҳиятидан келиб чиқиб, давлат ва ҳуқуқ назарияси билан боғлиқ масалаларга қизиқишим алоҳида эканлигини юракдан ҳис этгандек бўлдим.

Ҳозирда ТДЮИнинг Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедрасида "Ўзбекистонда ҳуқуқ ижодкорлиги муаммолари" мавзусида илмий изланишлар олиб бораяпман. Юртимизда ҳуқуқ ижодкорлигининг янада мукаммалроқ механизмини вужудга келтириш, ҳуқуқ нормаларининг қабул қилиниши учун назарий базани шакллантириш тизимига ҳисса қўшмоқчиман. Бу борада "Демократия ва референдум", "Ўзбек парламенти, тараққиёт босқичлари, келажакка назар", "Япония парламенти" номли илмий изланишларим маҳсуллари республика газета ва журналларида чоп этилди.

Институт қошида ташкил этилган инсон ҳуқуқлари бўйича юридик клиниканинг аъзосиман. Олаётган назарий билимларимизни бу ерда амалиёт билан мустаҳкамлашимиз мумкин. Биз маҳаллалар, мактаблар билан тузилган шартномаларга асосан, ўқитувчи ва ўқувчилар, кексалар, ёшлар билан учрашувлар уюштирамиз. Ҳуқуқ борасида уларни қизиқтираётган саволларга жавоб берамиз. Клиникага турли ҳуқуқий маслаҳатлар сўраб келган фуқароларга, озгина бўлса-да, мадад бўлолсак, ич-ичимдан қувонаман.

**— Ёшлар ҳаётидаги қайси муаммо сизни кўпроқ ўйлатади?**

— Мени юртимизнинг табиий иқлими билан боғлиқ масалалар қизиқтиради. Ер, сув масалалари юзасидан экорейдлар, конференция ва давра суҳбатлари уюштирдик. Амалий семинар-тренинглар ташкил қилдик. Хуллас, кенг миқёсдаги экологик тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйганмиз. Бу тадбирларга ўзим билан бирга институтда таҳсил олаётган кўплаб дўстларимни жалб этганман. Ҳозир ёшлар уюшмасига раислик қилаяпман.

**— Ўз тенгкурларингизга тилакларингиз?**

—Мен ёшлар янаям фаол, янаям ғайратли ва тиришқоқ бўлишларини истардим. Чунки айнан ёшликда қилинган саъй-ҳаракатлар инсон имкониятларини намоён қилади. Баъзи талабаларнинг шунчаки ўқишга келиб-кетишларини, номига дарсда иштирок этишларини кўрсам, жуда ачинаман. Улар беихтиёр ўз тақдирларига болта ураётгандай туюлади менга.

Аслида ҳамма имкониятлар ўз қўлимизда, фақат уларни ишга сола билиш керак. Эртанги буюк келажакка интила олиш лозим. Мен тенгдошларимда ана шундай хусусият ва фазилатлар кўпроқ бўлишини жуда-жуда истайман.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Мамлакат НОРМУРОДОВА**
**суҳбатлашди.**



*«Чиноз пахта тозалаш корхонаси» очиқ акциядорлик жамияти ўтган йили туман хўжаликларидан 15500 тоннадан зиёд аъло сифатли пахта хомашёси қабул қилиб олди. Айни кунларда корхонада иш қизғин. Ишнинг уч сменада ташкил этилганлиги боис меҳнат унумдорлиги ҳам юқори бўлмоқда. Қайта ишланган олий сифат пахта толалари Англия, Германия сингари хорижий мамлакатларга жўнатилаётир. Бу эса корхонада иқтисодий самарадорликнинг янада ошишида қўл келмоқда.*

*Шунингдек, корхонада экиш мавсуми учун 600 тоннадан зиёд уруғлик чигит тайёрланди.*

**СУРАТДА тайёр маҳсулотлар бўйича корхона раҳбари муовини Э. Исмоилов, ҳайдовчи Қ. Азизов ва корхона ишчиси Равшан Муҳаммадқуловлар акс эттирилган.**

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

*Муносабат*

# Бизнесни бошқариш кўникмаси



**фермерлар учун сув билан ҳаводек зарур**

Президентимизнинг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони замонавий раҳбарга катта имкониятлар яратган. Сабаби — бизнесни бошқариш кўникмасига эга бўлмаган фермер хўжалиги раҳбарлари ҳеч нарсага эришолмайди.

Орамизда шунчаки ҳавас билан ёки «Имкони бор пайтда ер олиб қўяй» деган мақсадда фермерликни ихтиёр қилганлар ҳам бор, албатта. Лекин бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак. Ерни олиб, унинг умрини беҳуда ўтказиш — турган-битгани зарар. Кимки, бизнесни бошқариш кўникмасига эга бўлсагина, хўжаликни юргиза олади. Йўқса, пахта ва ғалладан юқори ҳосил ҳам, даромад ҳам ололмайди. Бу аниқ!

2002 йилнинг охирида ширкат хўжалигимиз деҳқон ва фермерлар уюшмасига айлантирилган эди. Ўшанда даланинг четидан ўтмаган баъзи одамлар ҳам фермер бўлиб қолишди. Ана шулар қалоқлар сафига тушиб қолишди. Фермер хўжалиги, унинг увол-савоби, бугуни ва эртаси ҳақида ўйлайдиган, қайғурадиган, келажагини аниқ тасаввур қиладиган, аниқ ҳисоб-китобга эга бўлганлар эса шартнома шартларини бажаришди. Шундан кўринаяптики, фермер хўжаликлари раҳбарларини тайёрлаш тизимини яратиш жуда зарур.

Илгари чавандозликка ўргатишдан аввал ўспиринларни деворга миндириб синаб кўришган. «От минишни ҳавас қилиш бошқа, от миниш бошқа. Аввал деворни миниб кўр. Бир ёнга қийшайиб, ёнбошга оғиб кетмайсанми, кўрамиз», дейишган. Шунга қараб иш қилишган.

Фермерлик эса жиддий тайёргарликни талаб қиладиган иш. Фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш кўзда тутилаётган бир пайтда бу ишнинг нечоғлик муҳимлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

«Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар» деган гап бор халқимизда. Бизнесни бошқариш кўникмасига эга бўлмаган фермер айни шундай холга тушади. Пул топиш, уни ўз ўрнида сарфлаш ҳам санъат. Ҳали фермер хўжалиги оёққа туриб олмай туриб, «Тико», «Дамас», «Нексия» миниш қаёкда-ю, зарур қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиш қайда? Бунда кимнинг иши юришади? Албатта, бугунни эмас, эртани ўйлаган фермер ютади.

Ер — битмас-туганмас хазина. Унинг калити эса бизнесни бошқариш малакасига эга бўлган деҳқон ва фермерда. Шундай одамнинг ерга томган ҳар томчи пешона тери олтин бўлиб қайтади. Ўз вақтида харажатини қопламаган фермер хўжаликлари эса тарқатиб юборилади. Мана бу бор гап. Замон шиддат билан илгарилаб бораяпти. Шунга яраша иш тутмасак, орқада қолиб кетиш ҳеч гап эмас. Ишонмасангиз, Фармонни яна бир бор ўқинг, мағзини чақинг.

**Ғайрат ҚУРБОНОВ,**
**Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги «Оқработ» деҳқон ва фермерлар уюшмасининг раиси.**

# Ҳаракатдаги компьютер синфи

Бувайда туманида 50 дан зиёд мактаб мавжуд. Уларнинг фақат 7 таси замонавий компьютер синфлари билан жиҳозланган. Бу мактабларнинг аксарияти туман марказида, йирик қишлоқларда жойлашган.

Ўқувчиларнинг замонавий компьютер воситаларига қизиқишини, айниқса, чекка қишлоқлардаги ўқувчиларнинг талабларини тўлароқ қондириш учун нима қилиш керак? Туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Бахтиёр Тўрақуловнинг саъй-ҳаракати билан бу муаммонинг ечими топилди. Туман ҳокимлиги халқ таълими бўлимига автобус сотиб олиб берди. Бу автобусга эса янги йил арафасида вилоят Халқ таълими бошқармаси томонидан ажратилган 10 та сўнгги нусхадаги «Пентиум — 4» русумли компьютер ўрнатилди. Автобусни моҳир ҳайдовчи билан компьютерни программалаштириш устаси ҳамкорликда бошқаради.

Куни кеча ҳаракатдаги компьютер синфи ўзининг дастлабки «сафари»га чиқди. Дастлабки машғулотлардан туман марказидан 30 километр олисдаги Қумқияли қишлоғида жойлашган 28-мактабнинг қизиқувчан ўқувчилари баҳраманд бўлишди.

Энди ғилдирак устидаги синф белгиланган дарс жадвали бўйича туманнинг компьютер етиб бормаган барча мактабларида бўлади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Спорт билан ҳамнафас

***БУХОРО (ЎзА мухбири Илҳом САФАР).***

Вобкентлик фермер Исмоил Ҳамидов ўтган йилги даромади ҳисобидан "Зарафшон" ширкат хўжалигининг ташландиқ омборхонаси ва клуб биносини сотиб олган эди. Клубни спорт залига мослаштириб қайта таъмирлади, зарур анжомлар билан жиҳозлади. Шу тариқа Бешработ қишлоғида яхшигина спорт маскани юзага келди.

Ҳозир унда икки нафар мураббий икки юздан ортиқ болага шахмат-шашка, қўл кураши, енгил атлетика, миллий курашдан сабоқ бермоқда.



Исмоил Ҳамидовнинг режалари катта. Энди омборхона биносини ҳам таъмирлаб, у ерда теннис корти очмоқчи. Атрофидаги ялангликда волейбол ва баскетбол майдонларини барпо этиш ниятида.

# Жиноят фош этилди

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари томонидан олиб борилаётган тезкор-қидирув тадбирлари "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси тизимида катта талон-торожликлар давом этаётганини кўрсатди.

Жумладан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига қарашли Поп ва Ангрен терминалларида жуда кўп миқдордаги бензин, дизель ва газоконденцат ёнилғиси ташиш ва сақлаш жараёнида ўғирланиб, ўзлаштирилган. Ёнилғи маҳсулотларининг камомади сув билан тўлдирилган ёки сохта ҳужжатлар билан ҳаспўшланган.

Номи зикр этилган департаментдан маълум қилишларича, Ангрен ва Поп нефть омборларида ўтказилган текширув жараёнида 1 миллиард 44 миллион сўмлик ёнилғи камомади аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ХАТЛАР сўзлайди

## «Чағониён»чилар билан учрашув

**Денов шаҳрида "Чағониён" газетаси ижодкорлари билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Таҳририятда олиб борилаётган ишлар билан муштарийларни яқиндан таништириш, шунингдек, обунанинг муваффақиятли бажарилганлиги муносабати билан уюштирилган ушбу тадбирда газетанинг қўлга киритган ютуқлари ва келгусидаги режалари ҳақида ўртоқлашилди. Тадбирда қатнашган туман ҳокими А.Эшмуротов турли соҳаларда эришилаётган ютуқларда газетанинг ҳиссаси катта эканлигини алоҳида таъкидлади.**

**Ўрол БЕКМУРОДОВ.**
**Сурхондарё вилояти.**

## Ишонмагин дўстингга...

**Биз оила аъзоларимиз билан бирга Тоҳир-Зуҳро номли хўжаликда шартнома асосида ишладик. Бунинг эвазига буғдой олишимиз лозим эди. Шу пайтгача ҳақимизни ундиролмаяпмиз. Туман судига мурожаат қилдик. Моддий зарарни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори ҳам чиқди. Аммо улушимизни олганимиз йўқ.**



**Мусурмон НОМОЗОВ.**
**Шаҳрисабз тумани.**

## Дардга дармон улар

**Мен газета орқали ўз касбига садоқат билан қарайдиган, беминнат хизматию меҳрини аямайдиган инсонларга ташаккур айтмоқчиман. Икки-уч йил аввал инфаркт бўлиб, узоқ муддат шифохонада даволандим. Бироқ муолажаларнинг нафи бўлмади. Акмал Икромов тумани тиббий хизмат бўлими бошлиғи Н.Расуловнинг маслаҳати ва ёрдами билан мени Республика Кардиология марказига олиб боришди. Бу ердаги шифокорларнинг илиқ муомаласидан сўнган умидим қайта уйғонди. Марказ раҳбари Равшан Қурбонов, профессор Темур Абдуллаев, бўлим бошлиғи Наргиза Ғаниева, шифокор Дилором Обидоваларнинг саъй-ҳаракатлари билан тез фурсатда оёққа турдим. Шифохона ходимларининг барчаси ўзларининг ширинсуханлиги, меҳру муҳаббати билан кўнгли ўксик беморларни ҳаётга қайтаряпти, десам, янглишмайман. Илоё, умрларидан барака топишсин.**



**Ойнисахон АБДУҚОДИРОВА.**
**Тошкент шаҳри.**

## Яна газсиз қолдик

**"Янгиобод-нур" ширкат хўжалигига қарашли маҳалламизда уч мингдан ортиқ киши истиқомат қилади. Бир неча йил аввал қишлоғимизнинг барча хонадонлари тўлиқ газлаштирилган эди. Бундай шароитдан мамнун бўлиб газ ҳақини ўз вақтида тўлаб келдик. Лекин, қувончимиз узоққа бормай, яна газсиз қолдик. Сабаби, биз фойдаланаётган газ қувурлари бизгача ғишт ва асфальт заводларидан ўтар экан. Бу ҳақда туман газ идораси раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилишимизга қарамай, улардан ижобий жавоб ололмадик.**

**Шайдулла ХУРРАМОВ.**
**Музработ тумани.**

Қирқиш чизиғи — — — Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## ХУСУСИЙ КОРХОНА ТЎҒРИСИДА

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади хусусий корхоналарнинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

**3-модда. Хусусий корхона**

Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

**4-модда. Хусусий корхонанинг фирма номи**

Хусусий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Хусусий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва «xususiy korxona» деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Хусусий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва «xususiy korxona» деган сўзларни ёки «ХК» аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

**5-модда. Хусусий корхонанинг банк ҳисобварақлари**

Хусусий корхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида қонун ҳужжатларида белгиланган тар-

2

Буклаш чизиғи

тибда банк ҳисобварақлари очади.

**6-модда. Хусусий корхонанинг муҳри**

Хусусий корхона ўзининг тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва хусусий корхонанинг жойлашган ери кўрсатилган муҳрга эга бўлиши керак. Муҳрда айни пайтнинг ўзида унинг фирма номи бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

**7-модда. Хусусий корхонанинг штамплари ва бланкалари**

Хусусий корхона ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда кўзга ташланиб турадиган бошқа идентификация воситаларига эга бўлишга ҳақли.

### II. ХУСУСИЙ КОРХОНА ТУЗИШ ВА УНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ

**8-модда. Хусусий корхона тузиш тартиби**

Хусусий корхона мулкдор томонидан тузилади, мулкдор унга тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлайди.

Хусусий корхона, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.

**9-модда. Бошқа юридик шахсларни таъсис этиш. Хусусий корхонанинг ваколатхоналари ва филиаллари**

Хусусий корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида ўзгача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар очишга ва филиаллар тузишга ҳақли.

**10-модда. Хусусий корхонанинг устави**

Хусусий корхонанинг таъсис ҳужжати унинг уставидир.

Хусусий корхонанинг уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

корхонанинг фирма номи;

унинг жойлашган ери ва почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;

асосий фаолият турларининг рўйхати;

мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

устав фондининг миқдори.

Хусусий корхонанинг устави қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа қоидаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

**11-модда. Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш**

Хусусий корхона давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

3

Буклаш чизиғи

тарафларнинг келишувига кўра, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

**20-модда. Хусусий корхона ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш**

Хусусий корхона ўз ходимларига хавфсиз меҳнат шароитларини, ижтимоий ҳимоя чораларини таъминлаши шарт ва уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Хусусий корхона ўз ходимлари учун қонун ҳужжатларида белгиланганига нисбатан имтиёзлироқ меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни мустақил белгилашга ҳақли.

### V. ХУСУСИЙ КОРХОНА ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

**21-модда. Хусусий корхона мол-мулкининг национализация ва реквизиция қилинишига йўл қўйилмаслиги**

Хусусий корхонанинг мол-мулки национализация қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхонанинг мол-мулки реквизиция қилинмайди, хусусий корхонанинг мулкдорига реквизиция қилинаётган мол-мулкнинг бозор қийматига муодил компенсацияси тўланадиган табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва фавқулодда тусдаги бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

**22-модда. Хусусий корхона фаолиятининг эркинлиги**

Хусусий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай фаолият турларини амалга оширади.

Хусусий корхона битимлар тузишда эркиндир.

**23-модда. Хусусий корхоналарга татбиқ этиладиган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар**

Хусусий корхоналарга тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади.

**24-модда. Хусусий корхонага солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган тартибда хусусий корхоналар учун давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг доимий ставкалари белгиланади.

Хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

6

Буклаш чизиғи

**25-модда. Хусусий корхона фаолиятини текшириш чекланганлиги**

Хусусий корхона фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**26-модда. Хусусий корхоналарнинг бирлашиши**

Хусусий корхоналар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунга мувофиқ ассоциацияларга (уюшмаларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

**27-модда. Хусусий корхонани бошқа шахсга ўтказиш**

Хусусий корхона мулкдори хусусий корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида сотишга, ҳадя қилишга, васият қилиб қолдиришга ёки уни ўзгача усулда бошқа шахсга ўтказишга ҳақли.

Хусусий корхона бошқа шахсга берилган тақдирда ўзининг фирма номидан, товар белгиларидан, хизмат кўрсатиш белгиларидан ҳамда мазкур хусусий корхона ва унинг маҳсулотини, у бажараётган ишларни ёки кўрсатаётган хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, янги мулкдорга ўтади.

**28-модда. Хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш**

Хусусий корхона унинг мулкдори ёки суднинг қарорига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

**29-модда. Низоларни ҳал этиш**

Хусусий корхоналарнинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**30-модда. Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 11 декабрь.

7

*АҚШ Конституциясига биноан давлат раҳбари ҳар йили мамлакатдаги аҳвол ҳақида Конгрессга мурожаат билан чиқиш қилади. Американинг учинчи президенти Томас Жефферсон бу очиқ чиқишга қарши бўлган. Унинг фикрича, бир вақтлар қироллар парламент олдида шундай чиқиш қилган. Конгрессга мурожжаат эса ўша чиқишларни такрорлашдан бошқа нарса эмас. Шундай бўлса-да, бу анъана давом этиб келмоқда. 1923 йилдан буён мамлакатдаги аҳвол ҳақидаги нутқ радио орқали, 1947 йилдан буён телевидение орқали бериб борилади. 1960 йилдан бери эса президентнинг Конгрессга мурожаати эфирга тўғридан-тўғри узатилади.*



# «Жаҳонда вазият яхши томонга ўзгармоқда», —

## деди Жорж Буш йиллик мурожаатида

Сешанба куни Жорж Буш мамлакатдаги аҳвол ҳақида Конгресс ва халққа йиллик мурожаат билан чиқди. Президент нутқининг асосий қисми терроризмга қарши курашда эришилган ғалабаларга бағишланди.

2001 йилнинг 11 сентябридан буён 28 ой ўтди, — деди Буш. — Барча хавф ортда қолганига ишонгим келади. Аммо хотиржамликка берилишга асос йўқ. Террорчиларнинг Америкага қарши юриши давом этмоқда. Аммо улар албатта мағлубиятга учрайди.

АҚШ раҳбари ўз мурожаатида "Ал-Қоида" террорчилик гуруҳи раҳбарларининг учдан икки қисми қўлга олингани ва йўқ қилинганини таъкидлади. Улар ҳам Саддам Ҳусайн режими каби бутунлай ер билан яксон қилинади, деди президент.

Оқ уй раҳбари нутқининг каттагина қисми Ироқда олиб борилган ҳарбий операциялар ва мамлакатдаги бугунги вазиятга қаратилди. Унинг таъкидлашича, АҚШ раҳбарлигидаги коалицион кучларнинг Ироққа қарши ҳарбий операцияларни амалга оширгани тўғри иш бўлган. Дунё бугун Саддам Ҳусайнсиз анча хавфсиз бўлиб қолди. Президент Ироқда АҚШ яккаланиб қолди, деган гапларга қўшилмаслигини билдирди. Ҳозир бизни дунёдаги жуда кўп давлатлар қўллаб-қувватлаб турибди, деди Буш. Бунга у бугун Ироқда Украина, Болгария, Руминия, Таиланд ва Салвадор каби давлатлар ҳарбийлари ҳам тинчлик миссиясини бажараётганини мисол қилиб кўрсатди.

Конгресс залидаги фахрли ўринлардан бирида Ироқ Бошқарув кенгаши раҳбари Аднан Пачачи жой олганди. У Бағдоддан махсус чақирилган эди. Буш Пачачига мурожаат қилиб, АҚШ Ироқнинг янги ҳукуматига зарур ёрдамни беришга тайёр эканлигини билдирди.

Бугун дунё яхши томонга ўзгариб бормоқда, деди АҚШ раҳбари. Ливиянинг оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқаришдан воз кечгани бунга яққол мисолдир. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Аввало, Ливия Ироқ билан бўлган воқеалардан тўғри хулоса чиқарди. Қолаверса, бу келишув Буюк Британия ва АҚШ дипломатиясининг ютуғи бўлди. Биз Ироқ билан ўн икки йил музокаралар олиб бордик, лекин барча уринишларимиз натижасиз тугади. Ливия билан эса тўққиз ойда келиша олдик. Аммо ҳали дунё бутунлай ядро хавфидан холи бўлгани йўқ. Айрим давлатлар ҳамон атом қуролига эга бўлишга интилмоқда. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Дипломатияда бирор ютуққа эришиш учун бел бақувват бўлиши керак, деди Буш. Американинг сўзлари дадиллигига ҳеч ким шубҳа қилмаслиги керак. Америка ўз фуқароларининг ҳимояси учун ҳеч қачон, ҳеч кимдан рухсат сўрамайди.

Президент Яқин Шарқ муаммосига тўхталиб, ислом ва демократия бир-бирига жуда мос келишини қайд этди. У яқин йилларда "эркин ва буюк Яқин Шарқ" пайдо бўлишини таъкидлади. Аммо АҚШ ҳеч қачон бу ерларда ўз ҳукмини ўтказмайди. Америка империя вазифасини бажармоқчи эмас. Оқ уй раҳбарининг гапига қараганда, Афғонистон ва Ироқ Яқин ҳамда Ўрта Шарқ учун эркинлик маёғи вазифасини бажаради. Америка бу мамлакатларда демократик, озод давлат қуриш режасини охирига етказади.

Оқ уй раҳбари АҚШдаги ички вазиятга тўхталиб, мамлакатда иқтисодий ўсишга эришилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўтган йилнинг учинчи чорагида сўнгги 20 йил ичида энг юқори иқтисодий кўрсаткичга эришилган. Буш конгрессменларга кейинги молиявий йил учун тайёрланаётган бюджет лойиҳасида қўшимча харажатлар устидан қаттиқ назорат ўрнатилиши белгиланганини айтди. Натижада беш йилда бюджетдаги камоматни икки баравар камайтириш имкони туғилади.

Жорж Буш ўз нутқида бир қанча ижтимоий масалаларга ҳам тўхталди. Жумладан, тиббиёт, никоҳ муаммолари ҳам доимо Оқ уй маъмурияти диққат марказида турганлигини таъкидлади. Спортчилар ва спорт клублари раҳбарларига қарата мурожаат қилиб, допинг қабул қилишни тўхтатишга чақирди.

Оқ уй раҳбарининг нутқи бир соатга яқин давом этди ва бир неча марта давомли қарсаклар билан бўлиниб турди. Унинг нутқини нафақат конгрессменлар, балки фахрий меҳмонлар, Буш кабинети аъзолари ҳам залда ўтириб тинглашди. Фақат савдо вазири Дональд Эвансгина йиғилишда қатнашмади. Сабаби, анъанага кўра, етакчи вазирлардан бири бирор табиий офат ёки террорчилик оқибатида Конгресс биноси йўқ қилинадиган бўлса, мамлакатни бошқариш учун ташқарида қолади.

Президент Бушнинг Конгресс ва халққа мурожаати жаҳон оммавий ахборот воситалари ва сиёсатчилари томонидан турлича шарҳланмоқда. Албатта, ҳамма ўз манфаати нуқтаи назаридан ёндашади. Лекин барча шарҳларда АҚШнинг дунёда тинчликни сақлаш ва терроризмга қарши курашдаги ўрни алоҳида таъкидланмоқда.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ.**

## Иқтисодиётда кўтарилиш

**Хитойда ўтган йил иқтисодий ўсиш суръати 9,1 фоизни ташкил этди. Бу 1997 йилдан бери мамлакат иқтисодий ўсишида энг катта кўтарилишдир. Мамлакат кейинги пайтда дунёда иқтисодиёти гуллаб-яшнаётган кучли олтиликка кирди. Айни пайтда ҳукумат иқтисодиётнинг кутилмаганда бундай тез ривожланишидан хавотирланмоқда. Иқтисодчиларнинг айтишича, кўп йиллардан буён ҳукумат ички ялпи миллий маҳсулот ҳажмини аҳоли жон бошига қараб ошириб боришга интилиб келмоқда.**

## Вазирлар учрашуви



Фаластин ташқи ишлар вазири Набил Шаас Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов билан музокаралар ўтказди. Унда Фаластин томони ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги битимга розилик билдирди. Шаас «Йўл харитаси» режасини амалга оширишда Россия тарафи Фаластинни қўллаб-қувватлашига ишонишини маълум қилди.

## Атом бомба топилмади

**Пхеньян шу пайтгача ўзида оммавий қирғин қуроли яратиш имконияти борлигини бутун дунёга маълум қилиб келаётганди. АҚШнинг бир гуруҳ олимлари Шимолий Кореяга норасмий ташриф буюришиб, ядро дастури билан боғлиқ объектларни кўздан кечириб қайтдилар. Лос-Аламосдаги Америка атом бомба лабораторияси катта илмий ходими Зигфрид Хекернинг айтишича, Шимолий Кореяда ҳеч қандай атом бомба йўқ. Улар мамлакатда атом бомба борлигини тасдиқловчи ҳеч қандай далил топа олмаганликларини айтишди. Хекер журналистлар билан ўтказган матбуот анжуманида Кореяда ҳатто атом бомбасини ишлаб чиқарадиган технологиянинг ўзи йўқлигини таъкидлади.**

## Кучли довул оқибати

Ердаги ноқулай об-ҳаво шароити НАСА олимлари томонидан Марсда ўтказилаётган илмий тадқиқотларга халақит бермоқда. Канберрида бошланган кучли довул Spiritнинг қизил планетадаги ҳаракатига тўсқинлик қилмоқда. Агентликнинг маълум қилишича, Марсдан Spirit жўнатаётган хабарларни Калифорниядаги Америка космик агентлиги кучли довул шароитида қабул қилолмаяпти.



НАСА агентлиги билан боғлиқ яна бир хабар. Агентлик раҳбари Син Окифи НАСАнинг молиявий бюджети 2005 йилда 16,2 миллиард долларни ташкил этишини маълум қилди.

## Миллат қаҳрамонлари тергов қилинади

**Бундан бир муддат олдин покистонлик олимлар ядро дастури билан боғлиқ махфий маълумотларни Эрон, Ливия ва Шимолий Кореяга ноқонуний сотганликда айбланаётганлиги тўғрисида хабар тарқалганди. Олимларнинг тергов қилинишига қарши уларнинг қариндош-уруғлари мамлакат парламенти биноси олдида намойиш ўтказдилар. Намойишчилар олимларни миллат қаҳрамонлари даражасига кўтариб, уларга билдирилаётган ишончсизликка қаршилик қилмоқдалар. Покистон ҳукумати АҚШ берган маълумотлар асосида тергов ўтказишни мўлжалламоқда.**



# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

***Ўзбекистонда жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан хорижий давлатлар фуқаролари билдирган фикрларнинг "Жаҳон" ахборот агентлиги орқали келиши давом этмоқда. Маълумки, ушбу таклиф Президент Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги тантаналарида сўзланган нутқда илк бор янграган эди.***

***Конституция қабул қилинган кун ва бошланган йилнинг инсонпарварлик ғояларига йўналтирилганлиги ўртасида уйғунлик мавжуд. Корея Республикаси Миллий ассамблеяси депутати, "Корея-Ўзбекистон" дўстлик жамияти раиси КИМ ЮН СИК ана шундай фикрни билдирди.***

# Изчил ижтимоийислоҳотлар

— Мен юртингизда тез-тез бўлиб тураман. Мамлакатингизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар бўйича кузатувларим конституциявий меъёрлар Ўзбекистонда ўзининг амалий ижросини топаяпти, деб ишонч билан гапиришга асос бўла олади.

Ўз кучи, миллий урф-одатлар ва қадриятларга таяниб демократик ва иқтисодий ривожланган давлат қуриш йўлида изчил сиёсат олиб бораётган мамлакатингиз Президенти прагматик ва собитқадам арбоб сифатида обрў қозонган. Шу боис давлатингиз раҳбари эришилган ютуқлар ҳақида бонг урмайди, балки ҳукумат ва халқ эътиборини Ўзбекистон олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этиш аҳамиятига қаратади. Бундай вазифалар сирасига республикада тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллий урф-одатлар ва тарихий илдизларни тўла қайта тиклаш, жамиятнинг демократик асослари ва бозор иқтисодиёти ислоҳотларини чуқурлаштириш киради.

Президент Ислом Каримов бир дақиқа ҳам халқ фаровонлиги, унинг ижтимоий ҳимояси ҳақида ўйлашни унутмайди. Хусусан таълим ва тарбиянинг устувор масалалари, кишилар тафаккури ҳамда уларнинг маънавий дунёси замон талабларига мос равишда бойиб бориши зарурлигини доимо таъкидлайди. Давлат раҳбари жамият фаровонлигини оширишда маҳаллий бошқарув органлари мавқеини кучайтириш, кам таъминланган оилалар, қариялар ва аҳолининг бошқа ночор қатламларига ёрдам беришда уларнинг ваколатларини кенгайтириш масалаларига ниҳоятда оқил муносабатда бўлаяпти, деб ҳисоблайман.

Президент Ислом Каримовнинг катталарга ҳурмат, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, қариялар ва кўп болали оилалар ҳақида қайғуриш каби жамият қадриятларини ҳимоя қилишдаги қатъий изчиллиги менда катта таассурот уйғотган. Ишонаманки, Ўзбекистонда 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши ўтган Обод маҳалла йилида бошланган эзгу ишларни муваффақиятли давом эттириш билан бир қаторда жамиятда тотувликни мустаҳкамлаш, фуқаролар турмуш фаровонлигини оширишда кенг имкониятлар очади.

**"Жаҳон" АА.**

## Уларни хуш кўрмаймиз, аммо ...

Массачусетс технология университети тадқиқотчилари **истеъмолчилар ёқтирмайдиган технологиялар** рўйхатини тузишди.

Lemelson-MIT ташкилоти иштирокчиларга «Сиз қандай техник кашфиётни ёқтирмайсиз, аммо усиз яшай олмайсиз?» деган савол билан мурожаат қилди.

Рўйхатда биринчи ўринни уяли телефонлар эгаллади. Маълум бўлишича, бундай телефонларни сўровнома қатнашчиларининг 30 фоизи хуш кўрмас экан. 25 фоиз одамнинг эса электрон соатларни кўргани кўзи йўқ. Телевизорни энг ёмон кашфиёт деб биладиган кишилар 23 фоизни ташкил қилишади. 14 фоиз одамлар эса бир марталик соқол олиш ускуналарини кўрса, жини қўзишини айтган.




Шунингдек, микротўлқинли печка, автоматик жавоб бериш ускунаси ҳамда шахсий компьютерлар ҳам мазкур рўйхатдан жой олди.

Айтиш лозимки, Lemelson-MIT ташкилоти 8 йил давомида фуқароларнинг технологик ихтироларга муносабатини ўрганади.

Бундан бирмунча илгари тадқиқотчилар **мантиққа тўғри келмайдиган ихтиролар** рўйхатини тузишди.

Унда биринчи ўринни сув юқтирмайдиган сочиқ, товуш ўтказмайдиган микрофон ва сувости кемаси деразачалари эгаллади.

Кейинги ўринлар ўқишни мустақил ўрганиш учун китоб, дарс ўйини учун ширилган нишон, сувости парашюти ва сув ўтмайдиган чой пакетчаларига насиб этди.

## Сайёрамизнинг кекса аёли

Сайёрамиздаги энг кекса аёл Индонезиянинг собиқ пойтахти Жокьякарте шаҳрида яшайди. Само Сантоно исмли бу аёл 127 ёшга кирди. У ҳаётида жуда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Лекин улар ичида энг ҳайратланарлиси Анак Кракатау оролининг пайдо бўлишидир. Само Сантоно XIX асрда бу оролнинг вулқонлар натижасида пайдо бўлишини ўз кўзи билан кўрган.

## Маймунлар ҳужуми

Угандада сўнгги пайтларда маймунларнинг одамларга, хусусан болаларга ҳужум қилиш ҳоллари тез-тез учраяпти. Маълумотларга қараганда, бу ҳужумлар туфайли 15 нафар бола қурбон бўлган. Мамлакатнинг чекка қишлоқлари аҳолиси маймунларнинг бу ҳужумидан қўрқувда яшамоқда. Мутахассисларнинг фикрича, одамлар маймунларни кўплаб ўлдиргани учун, энди улар ўч олаяпти.

## Ҳаммаси телевизор туфайли

АҚШнинг Висконсин штати Уэст—Бенд шаҳарчасида яшовчи Тимоти Дюмоушел бошига тушган барча кўнгилсизликларга кабелли телевидение айбдор деб ҳисоблайди. Гап шундаки, сўнгги пайтларда унинг хотини 23 килограммга семириб кетди, болалари эса дангаса бўлиб қолди. "Кечгача ҳеч иш қилмай, телевизорни у каналдан бу каналга бураш билан шуғулланган одам семирмай, ким семирсин", — дейди жаҳли чиққан Тимоти.

**Раъно ЖЎРАЕВА.**

## Маданий ҳаёт

### Энг кассабоп фильм

"Қиролнинг қайтиши" кинотрилогиясининг сўнгги фильми "Узуклар ҳукмдори" пул тушуми бўйича Австралиядаги барча рекордларни синдирди. Мамлакатнинг 453 кинотеатрида бир вақтда бўлиб ўтган тақдимот пайтидаёқ 4,2 миллион АҚШ доллари миқдорида пул йиғилди. Уч кундан сўнг эса бу кўрсаткич 9 миллион АҚШ долларига етди.

### Мадонна сиёсат билан шуғулланмоқда

Эстрада юлдузи ва актриса Мадонна сиёсат билан ҳам фаол шуғулланмоқда. У ўтган йил декабрь ойида Демократлар партияси томонидан АҚШ президентлигига номзодлардан бири, истеъфодаги генерал Уэсли Кларкни қўллаб-қувватлашини маълум қилган эди. Яқинда у интернетдаги ўз сайти орқали халққа мурожаат қилиб, америкаликларни Кларк учун овоз беришга чақирди.

### Марказга айланади

2004 йилда Италиянинг Генуя шаҳри Европанинг маданий марказига айланади. Европа Иттифоқининг қарорига биноан, мазкур йилнинг январидан декабрига қадар буюк скрипкачи Николла Паганини, Италия мадҳияси асосчиси Гофферда Мамели ва ўтган асрнинг 80-йилларидаги энг машҳур мусиқий гуруҳлардан бири "Рикки э повери" ватанида мунтазам равишда кекса қитъани улуғловчи кўргазмалар, концертлар, театр томошалари бўлиб ўтади.

### Ноёб топилма

Мехиконинг қадимий Сантьяго-де Глателолка ибодатхонаси атрофида олиб борилган қазиш ишлари пайтида археологлар деворга чизилган қадимий ёзувлар топишди. Мутахассисларнинг фикрича, бу ёзувлар XVI асрга оид. Топилма муаллифи Сальвадор Гильеннинг журналистларга таъкидлашича, ҳиндуларга тааллуқли бу ёзув испанлар Мексика ҳудудига келгандан сўнг пайдо бўлган.

**У. ДОЛИЕВА тайёрлади.**

«ВОЛГА» автомобиллари СОТИЛАДИ
пул ўтказиш йўли билан
«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан ГАЗ-3110, ГАЗ-3102 автомобилларини, шунингдек, «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.
Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.
Телефон: 119-21-83.



# ЕИга аъзо бўлишига нима халақит бераяпти?

## Шарҳловчи минбари

*Туркия Европа Иттифоқига аъзо бўлиш истагини билдирганига бир неча йил бўлди. Бу давлат аъзоликка номзод сифатида мунтазам тилга олинади, бироқ негадир аъзоликка қабул қилинмай келаяпти. Ҳозир Европа Иттифоқига 15 та давлат аъзо. 2004 йил май ойидан яна ўнта давлат, яъни Чехия, Словакия, Словения, Венгрия, Польша, Кипр, Мальта, Эстония, Литва ва Латвия қабул қилинади. Украина эса яхши ният ва орзу-истак билан бу халқаро ташкилотнинг эшигини қоқмоқда. Шунингдек, бошқа орзумандлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Исроил ҳам умидвор.*

Америка Қўшма Штатлари Туркия Европа Иттифоқи аъзолари сафида бўлишини хоҳлайди. Европанинг ўзида ҳам сафларида Туркияни кўришни истайдиган давлатлар оз эмас. Хўш, унда нега бу давлатнинг орзуси амалга ошмаяпти?! Бунга сабаб шуки, Европадаги айрим давлат ҳамда сиёсат арбоблари ўртасида бу масалага ёндошувда бирлик, холислик, қатъият йўқ. Баҳона-сабаблар эса турлича. Кимдир Туркиядаги ҳаёт мезони Европадаги ҳаёт мезонига тўғри келмайди, деса, бошқаси мамлакатда макроиқтисодиёт, ҳуқуқ-тартибот соҳасида, армияда ислоҳотлар ўтказиш зарур, дейди. Шунингдек, бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ муаммо бор деса, бошқаси Кипр масаласи тўсиқ бўлиб турибди дейди. Ҳатто Туркия Европага дахлдор эмас, унинг 95 фоиз ҳудуди Осиёда жойлашган, деган фикр ҳам айтилди. Хуллас, даъволар кўп. Аммо улар асослими? Агар инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолар бўлса, бундай муаммолар шу йил май ойида қабул қилинадиган ўнта давлатда йўқми? Агар Кипр масаласи ҳал бўлмаётган бўлса, унда нега иккига бўлиниб қолган бу давлат Европа Иттифоқига қабул қилиняпти?

Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг турли масалаларга турлича ёндошувлари натижасида ўтган йилнинг декабрь ойида Брюсселда бўлиб ўтган юксак даражадаги учрашувда бу халқаро ташкилотнинг Асосий қонуни — Конституцияси қабул қилиниши ҳам кечиктирилди. Конституцияни ишлаб чиқиш комиссиясига Франциянинг собиқ президенти Валери Жискар д' Эстен раҳбарлик қилди. Лойиҳа устида ўн олти ой изчил иш борилди, нафақат қоидалар, балки ҳар бир сўз ва ибора устида ҳам бош қотирилди. Шунга қарамасдан Конституция ҳозирча қабул қилинмади.

Валери Жискар д' Эстен 2002 йилдаёқ Туркиянинг ЕИга қўшилишига қаршилик кўрсатган эди. Сабаб — Туркия Европа давлати эмас. Бироқ расмий Брюссель бу баёнотни рад этди. Европа комиссияси вакили Жон-Кристоф Филори баёнот бериб, Жискар д' Эстеннинг даъвосини асоссиз деди. Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг Копенгагендаги саммитида бу масалада Туркия билан расмий музокара олиб бориладиган санани белгилаш талаби ўртага ташланди. Бу талабни Испания, Буюк Британия, Греция, шунингдек, АҚШ қўллаб-қувватлади. Бироқ турли сабаблар рўкач қилиниб, аниқ бир фикрга келинмади. Бундай муносабатга нисбатан Туркия матбуоти ҳамда сиёсат арбоблари турли шарҳлар ва баёнотлар билан чиқишди. Жумладан, бош вазир Режеп Эрдоған Туркия Европа Иттифоқига аъзо бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, сайлов тизими, партиялар ҳаёти, сўз эркинлиги ва бошқа демократик жараёнларда ислоҳотлар ўтказишни режалаштираётганлигини айтди.

Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, ўтган йилнинг охирида Брюсселда бўлиб ўтган саммитда Туркия бош вазири Режеп Эрдоған ва ташқи ишлар вазири Абдулла Гул қатнашганлар. Улар бу ерда ташриф доирасида Бельгия, Буюк Британия, Ирландия бош вазирлари билан учрашувлар ўтказиб, Европа Иттифоқининг кенгайиш бўйича комиссари Гюнтер Ферхойген билан музокара олиб боришган.

Айрим давлатлар бу масалада иккиланаётганликлари йўқ. «Жумҳурият» газетасининг ёзишича, Германия президенти Йоханес Рау Туркияда ислоҳотлар жараёни тугаши билан Европа Иттифоқи бу давлат билан аъзоликка қабул қилиш тўғрисида музокара бошлаши керак, деган фикрни айтган. Италия ташқи ишлар вазири Франко Фратини ҳам баёнот бериб, Туркия номзодини маъқуллашини билдирган. Италия парламентининг халқаро ишлар бўйича қўмитаси раиси Густев Сельва бошлиқ делегация аъзолари Анқарада бўлганларида Туркия номзодини қўллаб-қувватлашлари ва бу давлатни Европа Иттифоқи аъзолари сафида кўришдан умидвор эканликларини билдиришганди. Бундай баёнотларни Европа Иттифоқининг баъзи расмий раҳбар арбобларидан ҳам эшитиш мумкин. Жумладан, бу халқаро ташкилотнинг ташқи ишлар бўйича комиссари Крис Патен Европа Иттифоқи ҳадеб кенгаявермайди, бироқ Туркия унга аъзо бўлиши эҳтимолдан холи эмас, деган фикрни айтган.

Яқинда Еврокомиссия раиси Романо Проди расмий ташриф билан Анқарада бўлди. Бу мақсадларни яқинлаштириш йўлида қўйилган муҳим қадам. Ана шу жараёнда Истамбулда Европа Иттифоқининг ахборот маркази очилганлиги тўғрисида хабар тарқалди. Бу марказнинг асосий вазифаси Туркиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши тўғрисида аҳоли фикрини ва кайфиятини ўрганишдан иборат.

Кузатувчиларнинг фикрича, Туркия танлаган тараққиёт йўли Европа Иттифоқи қўяётган талабларга тўғри келади. Бу талабларнинг моҳиятини Туркиянинг ҳозирги раҳбарлари ҳам тўғри англаб етишган. Буни уларнинг турли учрашувларда, анжуманларда бераётган баёнотларида ҳамда оммавий ахборот воситаларига бераётган интервьюларида кўриш мумкин.

Туркия Ўзбекистон билан яқин дўстона алоқалар ўрнатган қардош мамлакат. Бизнинг кўп томонлама ҳамкорлигимиз йилдан-йилга ривожланиб бораяпти. Бош вазир Режеп Эрдоғаннинг ўтган йил охирида Ўзбекистонга қилган ташрифи ва Президентимиз Ислом Каримов билан олиб борган музокаралари, бунда эришилган натижалар бизнинг дўстона ҳамда қардошлик алоқаларимизда яна бир ёрқин саҳифа очди. Эзгуликнинг кечи йўқ, дейдилар. Европа ҳамжамияти ўзи ваъда қилганидек, 2004 йилнинг охиригача Туркияни ЕИга аъзо қилиш борасидаги музокараларни бошлаб юборса, ажаб эмас.

**Иброҳим НОРМАТОВ.**

